
Спортчимиз томонидан яна бир ғалаба

Айни кунларда Тошкент вилоятида жойлашган Янгиобод Республика ўқув-машғулот спорт базасида пара пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Бу сафарги мамлакат биринчилигида 300 нафарга яқин пара спортчилар ўз кучларини синовдан ўтказишмоқда.

Мурасасиз беллашувларда ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар медаль ҳамда махсус диплом билан тақдирланмоқда.

Энг қувонарлиси мазкур мусобоқада яна бир спортчи қизимиз навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Қува тумани Ғалаба МФЙ да истиқомат қилувчи иқтидорли ёшларимиздан бири Ақидахон Ахтамова спортнинг ётиб тош кўтариш тури бўйича фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Ақидахон бугунги кунда Фарғона Давлат Университетининг 4-босқичида таҳсил олмоқда. Спортчимизнинг мақсади “Париж-2026” пара олимпиада ўйинларида иштирок этиш. Ушбу йўналишда спортчимизга омад тилаймиз.

2023-04-08 10:07:07